

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ХУРСАНДОВ БОБОМУРОД ШУХРАТОВИЧ

**ОЛТИНГУГУРТ АСОСИДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ
МАХСУЛОТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хурсандов Бобомурод Шухратович

Олтингугурт асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулот олиш

технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Хурсандов Бобомурод Шухратович

Разработка технологии получения импортозамещающей продукции на основе

серы21

Khursandov Bobomurod Shukhratovich

Development of technology for obtaining import-substituting products based on

sulfur39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ХУРСАНДОВ БОБОМУРОД ШУХРАТОВИЧ

**ОЛТИНГУГУРТ АСОСИДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ
МАХСУЛОТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2025

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.3.PhD/Т5805 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.ionx.uz ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупов Фарход Маҳкамovich

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдикамалова Азиза Бахтиёровна
кимё фанлари доктори, профессор

Қодиров Ҳасан Эргашевич

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фаргона давлат техника университети

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг "10" октябрь 2025 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Dissertatsiya avtoreferati 2025 yil «26» sentyabr kuni tarqatiladi.
(2025 йил «26» сентябрдаги № 14 реестр баённомаси)



Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

И.Д.Эшметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда автойўл, кўприклар, курилиш, машинасозлик, нефт-газ ва энергетика каби соҳаларда боғловчи, гидроизоляция мембраналари, мастика, коррозияга қарши қопламалар сифатида битум ҳамда турли полимер-битум композициялар кенг қўлланилмоқда. Шу билан бирга полимер-битум композицияларнинг кимёвий ва механик таъсирларга чидамлилигини, физик, кимёвий, коллоид, технологик хоссаларини ошириш ва хизмат қилиш муддатини узайтириш мақсадида, махсус хоссаларга эга композициялар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда самарали модификаторлар яратиш катта аҳамиятга эга.

Дунёда турли модификаторлар, айниқса техник олтингугурт каби чиқинди махсулотлар иштирокида янги, арзон ва сифатли полимер олтингугуртли битум композициялар олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, самарали ва унумдор технологияларини ишлаб чиқиш, ушбу композицияларнинг физик-кимёвий, коллоид ва технологик хоссаларига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни бошқариш йўллари топиш, полимер олтингугурт олишнинг инновацион йўллари топиш, унинг кимёвий ва механик бардошлилигини ошириш йўллари аниқлаш, молекуляр массаси, қовушқоқлиги каби хоссаларининг асфальтобетон композицияларнинг физик-механик хусусиятларига таъсирини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлардан олинадиган иккиламчи ва кўшимча моддалардан самарали фойдаланган ҳолда, саноатнинг турли соҳаларида қўллаш учун полимер олтингугурт ҳамда полимер олтингугурт-битумли боғловчи материаллар яратиш, уларнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида «мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари салоҳиятини янада ривожлантириш, ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий иккиламчи хомашёлар асосида полимер олтингугуртни синтез қилиб битумга қўшиш орқали йўл асфалтида ишлатиладиган олтингугурт-битумли боғловчиларни олиш алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11-сентябрдаги «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон, 2022 йил 28-январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон, 2023 йил 12-октябрдаги «Саноат ва унинг базавий тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-169-сон Фармонлари ва 2019

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

йил 4-октябрдаги «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «Яшил» иқтисодийга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4477-сон, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фан-техникага оид маълумот манбаларида полимер олтингугурт ва полисульфидлар олиш жараёни, модификаторларининг олиниши, қўлланилиши, физик-кимёвий, механик хоссалари, термодинамик ва кинетик хусусиятлари бўйича дунёда Воробьев А.Е., Тчаро Х., Воробьев К.А., Капустин В.М., Рудин М.Г., Кукес С.Г. ва бошқа олимлар ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб боришган. Ушбу тадқиқот ишларида нефт шламларини қайта ишлаш ва утилизация қилиш жараёнини такомиллаштиришнинг назарий масалаларини ўрганиш соҳасидаги фундаментал тадқиқотлар ҳамда улардан сифатли маҳсулотларини олишда, техник олтингугурт ва бошқа ароматик модификаторлардан оқилона фойдаланишга тавсиялар берилган ва битум композициялари соҳасида муҳим илмий-амалий ютуқларга эришилган.

Ўзбекистонда ушбу соҳада Ахмедов К.С., Юсупов Ф.М., Аманова Н.Д., Тураев Х.Х., Бекназаров Х.С., Негматов С.С., Хамидов Б.Н., Адизов Б.З., Сайдахмедов Ш.М., Алимов А.А., Нарметова Г.Р., Жумаев Қ.К., Фозилов С.Ф. каби олимларимиз ўзларининг илмий тадқиқотларини олиб боришган. Республикамиз олимлари томонидан маҳаллий хомашёлар асосида полимер олтингугурт олиш, ушбу жараён учун мақбул модификаторлар танлаш, техник олтингугурт ва соапсток модификаторларидан оқилона фойдаланишга тавсиялар берилган ва битум композициялари соҳасида муҳим илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилган.

Бундан ташқари, элементар техник олтингугуртни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш, жараённинг мақбул режимларини назарий ва амалий асослаш ҳамда олинган полимер олтингугурт асосида олтингугуртли битум боғловчилар ишлаб чиқиш ва уни қурилиш ва йўл битуми сифатида қўллаш бўйича илмий ва амалий ишлар муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий тадқиқот ишларига мувофиқ № КТ/1-21 “Олтингугуртли битум ва олтингугуртли бетон олиш технологиясини ишлаб чиқиш” хўжалик шартномаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади техник олтингугурт асосида полимер олтингугурт ва полимер олтингугуртли-битумли боғловчи олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

элементар олтингугуртни модификациялаш орқали полимер олтингугурт олиш мақсадида турли хил модификаторларнинг таъсирини ўрганиш;

танланган модификатор иштирокида полимер олтингугурт синтези жараёнида модификатор миқдори, ҳарорат ва реакция давомийлиги каби омилларнинг таъсирини ўрганиш ҳамда жараённинг оптимал шароитларини тадқиқ қилиш.

синтез қилинган полимер олтингугурт намуналарининг физик-кимёвий ҳамда механик хоссаларини тадқиқ қилиш;

синтез қилинган полимер олтингугурт асосида олтингугуртли битум олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва технологик жараёнга таъсир этувчи асосий омилларни ўрганиш;

яратиладиган боғловчи асосида асфальтобетон қоришмасини тайёрлаш ва унинг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

олинган натижалар асосида тажриба-синов ишларини амалга ошириш, шу жумладан, полимер олтингугуртни саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун илмий-техник ҳужжат (технологик регламент) ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Муборак ГҚИЗ да ишлаб чиқарилган элементар олтингугурт, анилин, пропантриол, фенол, пиразин, қуйи молекулар полиэтилен, дикумил пероксид ҳамда полигум ПБВ 40, БНД 60/90 ва БНД 90/130 маркали битум намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Муборак ГҚИЗ да ишлаб чиқарилган элементар олтингугурт ва модификатор асосида полимер олтингугурт олиш ва у асосида олтигугурт-битумли боғловчи олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик-кимёвий (термогравиметрия, ИҚ спектроскопия, масс спектроскопия, электрон микроскоп) ҳамда тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

олтингугурт, глицерин, ҚМПЭ ва дикумил пероксид аралашмасидан 100:3:1,5:0,1 масса нисбатда, 158-160°C ҳароратда ва 75 айл/дақиқа тезликда 150 дақиқа давомида аралаштириш орқали полимер олтингугурт олиниб, бунда дикумил пероксид таъсирида ҳосил бўлган фаол радикаллар глицерин дегидратланиши натижасида вужудга келган акролеин молекулалари ва олтингугурт ўртасидаги боғланишни фаоллаштириши ҳисобига реакция унуми 60% гача ошиши аниқланган;

БНД 60/90 маркали битумга 30% гача синтез қилинган полимер олтингугурт қўшилганда полимер олтингугуртнинг битум матрицасида тармоқланиб, термик жиҳатдан барқарор ва ковалент боғланган структура

ҳосил қилиши ҳисобига шар бўйича юмшаш ҳарорати 48°C дан 69°C гача кўтарилиши исботланган;

асфалтобетон қоришмасини тайёрлашда қўшиладиган полимер олтингугуртли битум миқдорини 6% дан 5,30% гача камайтирилганда, асфальтобетоннинг механик мустаҳкамлиги 0°C да 15,2 МПа, 20°C да 7 МПа, 50°C да 2,5 МПа гача кўтарилганлиги аниқланган;

полимер олтингугуртли битум боғловчиси гранит шағал минерал материални қоплаб олиш кўрсаткичи 74% дан 92% гача ошгани ва шиша тагликдаги ҳўлланишнинг чегаравий бурчаги 84 градусдан 61 градусга камайгани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полимер олтингугуртли битум боғловчисини олиш технологияси яратилган;

элементар олтингугурт ва танланган модификатор иштирокида полимер олтингугурт олиш усули ишлаб чиқилган;

полимер олтингугуртли битум боғловчисини олиш технологияси бўйича технологик регламент ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқотлар натижалари ишлаб чиқилган технологияларни sanoat ишлаб чиқариши шароитидаги қурилмаларда синовдан ўтказилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг мамлакат иқтисоди учун муҳим бўлган маҳсулотлар - ишлатилган олтингугурт, анилин, пропантриол, фенол, пиразин, қуйи молекулар полиэтилен, дикумил пероксид ҳамда полигум ПБВ 40, БНД 60/90 ва БНД 90/130 маркали битум намуналаридан фойдаланиб полимер олтингугурт ва полимер олтингугуртли битум олиш учун илмий асос яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Муборак ГҚИЗ да ишлаб чиқарилган элементар олтингугурт ва модификатор асосида полимер олтингугурт олиш ҳамда унинг иштирокида полимер олтингугурт битумли боғловчи олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқилганлиги, ишлаб чиқарилган технологиялар асосида тажриба намуналарини яратиш орқали sanoat ишлаб чиқаришга асос бўлиб ҳизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муборак ГҚИЗ да ишлаб чиқарилган элементар олтингугурт асосида полимер олтингугуртли битум олиш технологиясини яратиш аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олтингугурт, глицерин, ҚМПЭ ва дикумил пероксид асосида олтингугурт-битумли полимер боғловчи олиш технологияси Муборак газни қайта ишлаш заводининг “2025-2026 йиллар амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2025 йил 30 майдаги 1-10/8-809-сонли маълумотномаси). Натижада, синтез

қилиб олинган полимер олтингугурт асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулот олиш технологиясини ишлаб чиқиш имконини беради;

олинган полимер боғловчи асосида тайёрланган асфальт Яккабоғ тумани қарашли 4Н 274 йўлида 4-5 км масофага ётказилиб, амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2025 йил 30 майдаги 1-10/8-809-сонли маълумотномаси). Натижада, юқори мустаҳкамликка ва чидамлилиқка эга асфальт олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусида умумий 23 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 та хорижий ва 3 та республика илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Умумий ҳажми эса 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Техник олтингугурт, унинг хоссалари ва sanoatнинг турли соҳаларида қўлланилиши»** деб номланган биринчи бобида, олтингугуртнинг олиниши, хоссалари ва уни қурилишда қўлланиладиган соҳалари, полимер олтингугурт олишнинг кенг тарқалган усуллари, битумни модификациялашда қўлланиладиган полимерлар, олтингугуртнинг битум билан таъсирлашиш механизмлари, йўл битумларнинг адгезион ва когезион хусусиятлари, битум ва минерал материал ўртасидаги ҳўлланиш ҳодисаси ва сирт таранглик ҳақида батафсил ёритиб берилган. Адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида мазкур тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган.

Диссертациянинг **«Полимер олтингугуртли битум боғловчини олишда ишлатилган материаллар ва методлар»** деб номланган иккинчи бобида хомашёларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, полимер олтингугурт олиш усули ва унинг хоссаларини аниқлаш, олтингугуртли битум олиш ва

унинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш усуллари, олтингугурт-асфальтобетон олиш ва унинг хоссаларини тадқиқ қилиш, йўл битумнинг минерал материаллар билан боғловчилик мустаҳкамлигини аниқлаш методи бўйича маълумотлар, шунингдек, қўлланилган моддалар ва реактивларнинг тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг «Маҳаллий хомашёлар асосида полимер олтингугурт олиш ва уни йўл битумига таъсирини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида полимер олтингугурт олиш, полимер олтингугуртнинг хоссаларини тадқиқ қилиш, олтингугурт-битумли боғловчи олиш, мрамар, гранит ва шағал материалларга битумнинг адгезион хусусияти бўйича тадқиқотлар олиб борилган, полимер олтингугуртли боғловчининг адгезион хусусиятларини тадқиқ қилишда ҳўлланишнинг чегаравий бурчаги аниқланган, БНД 60/90 йўл битумига полимер олтингугуртни қўшиш натижасида олинган битум боғловчининг ИК-спектр таҳлиллари келтирилган.

Муборак газни қайта ишлаш заводи чиқиндиси ҳисобланган техник олтингугуртнинг тозалик даражасини аниқлаш мақсадида сканерловчи электрон микроскопда элемент анализи 1-расмда келтирилган.



1-расм. Олтингугуртнинг СЭМ натижалари

СЭМ натижаларига кўра Муборак газни қайта ишлаш заводининг техник олтингугурти тоза элементар олтингугуртдан иборат ҳамда полимер олтингугурт олишда қўллашга ярокли.

Полимер олтингугурт олишда термик усул ва модификаторлар таъсиридан фойдаланилди. Термик усулда полимер олтингугурт олиш учун техник олтингугурт 135 °С гача қизитилиб, суяқ ҳолатга келтирилади ва сўнг хона ҳароратидаги сувга солиб тезда совитиш жараёни амалга оширилади. Бу усулда олинган полимер олтингугурт узок вақт барқарор ҳолатда турмаганлиги сабабли полимерланиш жараёнига модификаторларнинг таъсирини ўрганилди. Дастлаб олтингугуртни анилин билан таъсири ўрганилди. Олтингугурт ва анилин ўртасидаги реакцияда моддалар 100:1,5 масса нисбатда олинди ва аралаштириб турган ҳолатда ҳарорат аста-секин 130 °С гача кўтарилди ҳамда ушбу шароитда 60 дақиқа


давомида реакция олиб борилди. Ушбу босқичда олтингугурт анилин молекуласи билан реакцияга киришиб, сульфид кўприклар орқали боғланган оралиқ маҳсулотлар ҳосил қилади. Иккинчи босқичда ҳарорат 170 °С гача кўтарилди ва реакция 60 дақиқа давомида давом эттирилди. Бу шароитда конденсатланиш реакцияси содир бўлиб, водород сулфида (H_2S) ажралади, бу эса полисульфид боғларининг шаклланишига олиб келади. Реакциядан сўнг система хона ҳароратигача совитилди. Анилин асосида олинган полимер олтингугуртнинг вақт ва ҳароратнинг таъсири қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


Полимер олтингугурт хоссаларига реакция вақти ва ҳароратининг таъсирини ўрганиш (модификатор-анилин)

Олтингугурт ва анилин (масса нисбат)	Вақт (мин)	Ҳарорат ($^{\circ}C$)	Реакция унуми
100:1,5	60	130	9
	90	150	11
	120	170	17
	180	180	15,9

Олтингугурт ва анилиннинг юқори ҳароратдаги реакциясини қуйидаги схема билан тушунтириш мумкин:



Олинган полимер олтингугуртнинг хоссалари физик-кимёвий тадқиқотлар ёрдамида ўрганилди. Олтингугурт ва анилиннинг ўзаро таъсири ИҚ спектроскопик усул ёрдамида ўрганилганда N-H гуруҳи (V_{\max} , cm^{-1} : 3384-3064) соҳаларда сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Анилиннинг C-H чўзилиш пики (V_{\max} , cm^{-1} : 2918-2851), ароматик ҳалқанинг C=C боғлари (V_{\max} , cm^{-1} : 1604-1505), паст частотали пиклар 454.01 cm^{-1} : S-S боғларига мос келади. Қуйида келтирилган спектрдаги 454.01 cm^{-1} пик кўрсаткичи полимер олтингугуртнинг асосий характеристик пики сифатида хизмат қилади. Бу реакцияда S-S боғланишлар ҳосил бўлганлигини исботлайди. Бу пиклар 3384 cm^{-1} ва бошқа юқори частотали пиклар ароматик ҳалқа ва N-H гуруҳларининг сақланиб қолганлигини кўрсатади. Келтирилган спекторда 1505.88 cm^{-1} ва 1604.87 cm^{-1} ароматик ҳалқа сақланганлигини тасдиқлайди. Синтез қилинган полимер олтингугуртнинг ИҚ спектори 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Анилин асосида олинган полимер олтингугуртнинг ИҚ спектри

Олиб борилган изланишлар натижасида полимер олтингугурт ишлаб чиқаришда модификатор сифатида ҚМПЭ ва пропантриол танланган. Реакция техник олтингугурт ва инициатор (дикумил пероксид) ни 125-130 °С хароратда қиздириш билан бошланади ва 30 дақиқадан кейин ҚМПЭ ҳамда пропантриол солиб аралаштирилади. Система харорати аралаштиришни тўхтатмаган ҳолатда 160°С гача кўтарилади ва шу хароратни ўзгартирмасдан 120 дақиқа давомида аралаштирилади. Ҳарорат кўтарилгандан кейин бир неча дақиқа ичида сарикдан тўқ сарик-қизил ранга ўзгарди. Юқори хароратларда глицерин бир молекула сув ажратиб чиқариб акролеинни ҳосил қилади. Акролеин олтингугурт билан сополимерланиш реакциясига киришади. Полимерланиш жараёни давом этар экан, аралашма қизил, қовушқоқлиги юқори бўлган гомоген ҳолатга келади.

Олтингугуртни полимерлаш жараёни радикал механизм асосида боради бунда инициатор сифатида dikuмил пероксидидан фойдаланилди. Реакция қуйидаги кетма-кетликда боради:

1) Дикумил пероксидининг радикал ҳосил қилиш босқичи

Дикумил пероксиди 160 °С да икки молекула кумил радикалини ҳосил қилади:



Кейин бу радикал яна углерод-кислород боғини узиб, кумил радикали $C_6H_5C(CH_3)_2^*$ ва кислород радикали (*OR) ҳосил қилади. Ҳосил бўлган кумил радикали олтингугуртнинг циклик молекуласига ҳужм қилади.

2) Занжирни бошлаш босқичи



Бу реакцияда S_8 молекуласининг ҳалқаси очилиб, янги олтингугурт радикали ҳосил бўлади.

$C_6H_5C(CH_3)_2^* + CH_2=CH-CHO \rightarrow C_6H_5C(CH_3)_2-CH_2-CH^*-CHO$ (3) янги радикал ҳосил бўлиб занжирни давом эттиради.



4) Занжирнинг тугаш босқичи



Тажриба шароитида синтез қилинган полимер олтингугуртни миқдорий баҳолаш мақсадида олиб борилган таҳлиллар натижасига кўра, полимерланиш унуми 60% ни ташкил этгани аниқланди. Маълумки, ҳар қандай реакциянинг унуми реагентларнинг контакт юзасига ҳам боғлиқ бўлади. Демак, реакция унумига модификаторни реакция аралашма бўйлаб тенг тақсимланиши ҳам таъсир ўтказади. Шунинг учун реакция аралашмага модификаторларни қўшиш усули ҳам ўрганилди. Модификаторларни реакция аралашмага қўшишнинг уч хил усули кўриб чиқилди:

- модификаторларни қаттиқ олтингугурт билан аралаштириш ва ундан кейин реакция аралашмани 160°C гача қиздириб реакцияни бошлаш;


- элементар олтингугуртни 130°C га қиздириб суюқ ҳолатга келтириш ва қиздирилган аралашмага модификаторларни қўшиш ҳамда гомоген система ҳосил бўлгунга қадар аралаштириш. Гомоген система ҳосил бўлгач реакция аралашмани 160°C га қиздириш;

- Элементар олтингугуртни 160°C га қиздириш ва ундан кейин модификаторларни қўшиш.

Биринчи усулда модификаторларнинг реакция аралашмада тенг тарқалишини таъминлаш иккинчи усулга қараганда қийинроқ. Шунинг учун иккинчи усулда реакция унуми юқориқлигини кўриш мумкин. Учинчи усулда реакция унумининг камайиши, асосан, юқори ҳароратда модификаторларнинг бир қисми полимерланиш жараёнига тўлиқ киришмай, реакция аралашмадан чиқиб кетиши билан изоҳланади.


Олинган полимер олтингугуртнинг сифат таркибини аниқлаш мақсадида олтингугурт кукунининг ИҚ-спектрлари 3-расмда келтирилган.

Олинган инфрақизил спектрда ν_{ac} 900 cm^{-1} , ν_c 800 cm^{-1} , δ_{ac} 700-600 cm^{-1} и δ_c 500 cm^{-1} соҳалардаги ютилиш С-С боғлари борлигини билдиради. ν_{ac} 2351 cm^{-1} ν_c 2324 cm^{-1} δ_{ac} 1108 cm^{-1} δ_c 1034 cm^{-1} соҳалардаги ютилиш С-С боғларига ҳамда ν_{ac} 2351 cm^{-1} ν_c 2324 cm^{-1} δ_{ac} 1108 cm^{-1} δ_c 1034 cm^{-1} соҳалардаги ютилиш карбонил (C=O) гуруҳларига хос.



3-расм. Полимер олтингугуртнинг ИҚ-спектри

6-расмда олинган сополимернинг дериватограммаси тасвирланган бўлиб, у икки эгри чизикдан ташкил топган. Термогравиметрик таҳлил (ТГА, кўк рангли эгри чизик) учта асосий парчаланиш ҳарорати оралиғида ўтказилган: биринчи парчаланиш 21.69-142.48 °С, иккинчи парчаланиш 142.48-303.46 °С ва учинчи парчаланиш 303.46-476.54 °С ҳароратлар оралиғига тўғри келади.



6-расм полимер олтингуғуртнинг HD OT₂O маркали импорт аналоги Айтилишича, иккинчи парчаланиш оралиғида энг юқори парчаланиш тезлиги кузатилган ва шу даврда модданинг бошланғич массаси 77,92%га камайган.

2-жадвал

Синтез қилинган полимер олтингуғурт ва HDOT20 полимер олтингуғуртнинг физик-механик хусусиятлари

Синов кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Текшириш усули	Кўрсаткичлар номи		ISO 8332, ISO 8332, ASTM D4569, ISO 8332 кўрсаткичларига мослиги
			HDOT20	Полимер олтингуғурт	
Кислотага барқарорлик H ₂ SO ₄	%	ASTM D4569	≤0.05	0,024	Мос келди
Иссиққа барқарорлик 110°C	%	ISO 8332	≥72.00	83	Мос келди
Куллик даражаси	%	ASTM D4574	≤0.30	0,10	Мос келди

ҚМПЭ ва пропантриол иштирокида олинган полимер олтингуғуртнинг битум хоссаларига таъсирини ўрганиш мақсадида турли маркали ва сифат кўрсаткичлари бир-бирдан фарқ қиладиган битум намуналарига турли миқдорда полимер олтингуғурт қўшилди ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари тадқиқ қилинди.

3-жадвал

БНД 60/90 маркали (паст сифатли) битум асосида олинган олтингугурт-битумли боғловчи ва Полигум намуналарининг хоссалари

№	Кўрсаткичлар	Меёрий хужжат	“Полигум” ПБВ 40	Боғловчи таркибидаги олтингугурт миқдори, %				
				0	10	20	30	40
1	Шар бўйича юмшаш ҳарорати, 25°C	ASTM D6927	65	45	49	56	65	74
2	Чўзилувчан лик, см 25 °C	ASTM D4015 ASTM D36	20	60	52	47	41	32
3	Нинанинг ботиш чуқурлиги, 0,1 мм, 25 °C да	ASTM D1037 ASTM D36	40	65	60	53	42	28
4	Мўртлашиш ҳарорати, °C	ASTM D70 AASHTO T283	-18	-16	-16	-17	-18	-18

Ушбу битум айрим кўрсаткичлари бўйича ASTM D1074 талабига шар бўйича юмшаш ҳарорати кўрсаткичи жавоб бермаслиги кўриниб турибди (3-жадвал). Битумга полимер олтингугурт қўшилиши одатда унинг мустаҳкамлигини оширади. 3-жадвалдан кўришимиз мумкинки, олтингугурт миқдори ортиши билан олтингугуртли битумнинг юмшаш ҳарорати ортиб бормоқда. Мўртлашиш ҳарорати ҳам олтингугурт миқдори 30 % га етгунга қадар яхшиланиб борди, олтингугурт миқдори янада оширилиши эса аксинча таъсир қилганини кўриш мумкин. Битумнинг чўзилувчанлик 30 % олтингугурт қўшилганда сезиларли даражада ортди, лекин олтингугурт миқдори 30 % дан ошиши билан кескин туша бошлади. Умуман олганда ушбу битум учун олтингугуртнинг оптимал миқдорини 30 % деб ҳисоблаш мумкин.

4-жадвал

БНД 60/90 маркали (сифатли) битум асосида олинган олтингугурт-битумли боғловчи ва Полигум намуналарининг хоссалари

№	Кўрсаткичлар	Синов усули	“Поли-гум” ПБВ 40	Боғловчи таркибидаги олтингугурт миқдори, %				
				0	10	20	30	40
1	Шар бўйича юмшаш ҳарорати, 25°C	ASTM D6927	65	48	54	60	69	77
2	Чўзилувчан лик, см 25 °C	ASTM D4015 ASTM D36	20	80	67	53	45	34
3	Нинанинг ботиш чуқурлиги, 0,1 мм, 25 °C да	ASTM D1037 ASTM D36	40	82	73	65	49	30
4	Мўртлашиш ҳарорати, °C	ASTM D70 AASHTO T283	-18	-17	-17	-18	-18	-19

Сифатли битумга олтингугурт қўшилганда ҳам битум хоссалари юқоридаги каби ўзгарди: мўртлашиш ҳарорати дастлаб ўзгармади кейин ортди, юмшаш ҳарорати ортиб борди, чўзилувчанлик ва нинанинг ботиш чуқурлиги камайиб борди. Аммо ушбу битумга 30 % гача олтингугурт

қўшиш унинг хоссаларини “Полигум” ПБВ 40 талаби даражасида сақлаб қолиш учун етарли эканлигини 4-жадвалда кўриш мумкин.

5-жадвал

БНД 90/130 маркали битум асосида олинган олтингурут-битумли боғловчи ва Полигум намунасининг хоссалари


№	Кўрсаткичлар	Синов усули	“Полигум” ПБВ 40	Боғловчи таркибидаги олтингурут миқдори, %				
				0	10	20	30	40
1	Шар бўйича юмшаш ҳарорати, 25°C	ASTM D6927	65	44	48	57	64	73
2	Чўзилувчанлик, см 25 °C	ASTM D4015 ASTM D36	20	68	63	52	41	33
3	Нинанинг ботиш чуқурлиги, 0,1 мм, 25 °C да	ASTM D1037 ASTM D36	40	114	103	87	70	59
4	Мўртлашиш ҳарорати, °C	ASTM D70 AASHTO T283	-18	-17	-17	-17	-18	-18

Олинган полимер олтингурутли битумнинг экологик хавфсизлигини баҳолаш мақсадида, у қиздирилганда атмосферага ажралиб чиқадиган зарарли газлар - водород сульфид (H_2S) ва олтингурут диоксиди (SO_2) концентрациялари ўрганилди. Газлар концентрациясини аниқлаш учун махсус лаборатория шароитида полимер олтингурутли битум қиздирилди ва чиқарилаётган газлар ҳаво намунасида газанализатор орқали таҳлил қилинди. Тадқиқот натижаларига кўра, водород сульфиднинг ҳаводаги концентрацияси 0,008 ppm ни ташкил қилди, бу эса мавжуд давлат санитар нормалари (ДСТ) бўйича белгиланган 0,008 ppm меъёрига тўғри келади. Шунингдек, олтингурут диоксиди концентрацияси 0,1 ppm эканлиги аниқланиб, ДСТ бўйича белгиланган 0,5 ppm чегарадан сезиларли даражада кам эканлиги кузатилди. Ушбу натижалар полимер олтингурутли битум ишлаб чиқариш ва унинг қўлланилиши жараёнида қиздириш натижасида чиқадиган зарарли газлар миқдори давлат талаблари доирасида эканлигини кўрсатмоқда ва унинг экологик хавфсизлиги жиҳатдан мақбул эканлигини тасдиқлайди.

БНД 90/130 маркали битумга полимер олтингурут қўшилиши мўртлашиш ҳарорати, чўзилувчанлик каби хоссаларнинг яхшиланишига, нинанинг ботиш чуқурлиги, шар бўйича юмшаш ҳарорати кўрсаткичлари каби хоссаларнинг пасайганлига кузатилди. 5-жадвалдаги натижаларга асосан БНД 90/130 маркали битумга 40 % гача полимер олтингурут қўшиш фойдали деб ҳисоблаш мумкин.


Минерал материалларга БНД-60/90 битумнинг ва полимер олтингурут асосида олинган боғловчиларнинг ёпишқоқлик хусусиятини ўрганилди. БНД 60/90 маркали битумга полимер олтингурут қўшилганда унинг адгезион хусусияти ўзгариши 7-расмда акс эттирилган. Қуйидаги натижалар кузатилган: Полимер олтингурут миқдори 3 % дан бошлаб 30 % гача оширилганда, ASTM D946 стандарти бўйича БНД 60/90 битумининг адгезион қиймати 74 % дан 92 % га ошган. Бу ҳолат полимер олтингурут битумнинг

ёпишқоқлик хусусиятини яхшилаиди, қатрон ва асфальтен моддаларнинг миқдори кўпайгани билан изоҳланади.



7-расм. БНД 60/90 йўл битуми таркибига полимер олтингурутнинг 3, 5, 10, 15, 20, 25, 30, 35 % миқдорларда қўшиш натижасида минерал материаллар билан адгезияси


Бироқ, БНД 60/90 битум таркибига 35% полимер олтингурут қўшилганда қовушқоқлик даражаси ошиши натижасида битумда икки хил дисперс қатлам ҳосил бўлган ва шу сабабли унинг ASTM D946 бўйича адгезион хусусияти пасайган. Минерал материалларга БНД-90/130 битумнинг ва полимер олтингурут асосида олинган боғловчиларнинг ёпишқоқлик хусусияти ўрганилди.



8-расм. БНД 90/130 йўл битуми таркибига полимер олтингурутнинг 3, 5, 10, 15, 20, 25, 30, 35 % миқдорларда қўшиш натижасида минерал материаллар билан адгезияси

БНД 90/130 маркали битум таркибига полимер олтингурут қўшилганда унинг адгезион хусусияти ўзгариб кетишини 8-расмда кўриш мумкин. Шунда

3% дан бошлаб 30% гача полимер олтингугуртни қўшганда ASTM D946 бўйича адгезияси ошиб кетиши кузатилди. Ушбу жараённинг боришига асосий сабаби шундаки БНД 90/130 маркали битумнинг таркибидаги мой, қатрон ва асфальтенларнинг миқдори ўзгариб боради, яъни кимёвий жараёнга таянган ҳолда полимер олтингугуртни ушбу битумга 30% гача қўшганда унинг таркибидаги қатрон ва асфальтенларнинг миқдори ошиб кетиши кузатилган, аммо 35% полимер олтингугуртни қўшганда реакцияга киришмаган қаттиқ қуйқа ҳосил бўлган ва у ўз навбатда адгезион хусусиятга салбий таъсир қилиши кузатилган.




9-расм. Олтингугурт, модификаторлар ва полимер олтингугурт таъсирида шиша юзасида БНД 60/90 битумининг ҳўлланиш чегаравий бурчаги ўзгариши.

Махсус оптик асбоби ёрдамида шиша тагликларда синтез қилиб олинган полимер олтингугурт билан модификацияланган стандарт БНД 60/90 йўл битумининг ҳўлланишнинг чегаравий бурчаги аниқланди. Шиша таглик юзаси сиртида 40-60°C ҳароратда 2-2,5 мм диаметри модификацияланган йўл битум томчиси томизилгандан сўнг, компьютер ёрдамида экранда катталаштирилади ва транспортёр ёрдамида чегаравий бурчаги аниқланади.

9-расмда келтирилган график боғлиқликлардан кўринганидек ва ҳўлланиш назариясига таянган ҳолда сирт фаол моддалар сифатида олинган полимер олтингугурт тайёр БНД 60/90 битумга 3% дан 30% гача қўшиш натижасида ҳўлланиш хусусиятларининг яхшиланишига, яъни бурчагининг пасайишига олиб келиши кузатилди. Шунда шиша тагликда полимер олтингугуртли битум боғловчисининг ҳўлланишнинг чегаравий бурчаги 84 градусдан 61 градусга камайгани аниқланди. Аммо тайёр БНД 60/90 битумга 35% полимер олтингугурт қўшганда эса ҳўлланишнинг чегаравий бурчагини катталанишига олиб келиши кузатилди. Бундай ҳолатни бўлишига сабаб полимер олтингугуртли битум боғловчининг гидрофиллик хусусияти пасайиб бориши кузатилди.

Синтез қилинган полимер олтингугурт ва БНД 60/90, БНД 90/130 битумлари асосида модификацияланган битумлар олинди (10-расм).



10-расм. Полимер олтингугуртли битум олиш технологик схемаси: А- полимер олтингугурт ишлаб чиқариш, Б – олтингугуртли битум реактори, С-битум 1-буғ кириши, 2-буғ чиқиши, 3-техник олтингугурт, 4 – модификатор, 5-совутиш ваннаси, 6 - битум, 7-олтингугуртли битум.

Полимер олтингугурт ҳамда олтингугурт-битумли боғловчи намуналари юқоридаги схема асосида қурилган ярим-саноат ускунасида кичик миқдорларда ишлаб чиқарилди, намуналарнинг физик-механик таҳлиллари олиб борилди ҳамда тадқиқот ишлари давом эттирилди.

ХУЛОСА

1. БНД 90/130 маркали битум таркибига 30% миқдорда синтез қилиб олинган полимер олтингугуртни қўшиш натижасида битум боғловчининг қаттиқ сирт юзада ҳосил қилган хўлланишнинг чегаравий бурчаги 89 градусдан 65 градусга камайгани аниқланди.;

2. БНД 90/130 маркали битумига 30% миқдорда синтез қилиб олинган полимер олтингугуртни қўшиш натижасида олинган битум боғловчиси минерал материалларнинг юза сирти билан адгезион хусусиятини баҳолаганда гранит тошчани қоплаш олиш бўйича 69% дан 90% гача ошгани, гранит шағал бўйича 67% дан 88% гача ошгани ва мрамар бўйича 70% дан 93% гача ошгани аниқланди.

3. БНД 60/90 маркали битумига 30% миқдорда синтез қилиб олинган полимер олтингугуртни қўшиш натижасида олинган битум боғловчиси минерал материалларнинг юза сирти билан адгезион хусусиятини баҳолаганда гранит тошчани қоплаб олиш бўйича 76% дан 95% гача ошгани, гранит шағал бўйича 74% дан 92% гача ошгани ва мрамар бўйича 78% дан 97% гача ошгани аниқланди.

4. Синтез қилинган полимер олтингугурт ва HDOT20 полимер олтингугурт намуналари ўртасидаги физик-механик хусусиятлар таҳлил қилинди ва таққосланди;

5. Олтингугуртли битум қиздирилганда, унинг таркибидан олтингугурт (IV) - оксиди (SO_2) ва водород сулфиди (H_2S) газлари ажралиши кузатилди. Ушбу газларнинг битумни қиздириш жараёнида ҳавога тарқалиши натижасида уларнинг ҳаводаги концентрацияси аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ
ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ХУРСАНДОВ БОБОМУРОД ШУХРАТОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
ИМПОРТОЗАМЕЩАЮЩЕЙ ПРОДУКЦИИ НА ОСНОВЕ СЕРЫ**

02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)

Ташкент–2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2025.3.PhD/T5805.

Докторская диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.iopx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу www.ziyouet.uz

Научный руководитель

Юсупов Фарход Махкамович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдикамалова Азиза Бахтиёрвна
доктор химических наук, профессор

Қодиров Ҳасан Эргашевич
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ферганский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «10» октября 2025 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии (Адрес: 100170, Ташкент, Мирзо Улугбек, 77-а тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: iopxanguz@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (Зарегистрировано №14). Адрес: 100170, Ташкент, ул. Мирзо - Улугбека, 77-а тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Автореферат диссертации разослан «26» сентября 2025 года.
(реестр протокола рассылки №14 от «26» сентября 2025 года.



Б.С. Закиров
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.х.н., проф.

Д.С. Салиханова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.

И.Д. Эшметов
Председатель Научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в таких отраслях, как автодорожное строительство, мостостроение, строительство, машиностроение, нефтегазовая и энергетическая промышленность, широко применяются битум и различные полимерно-битумные композиции в качестве вяжущих материалов, гидроизоляционных мембран, мастик и антикоррозионных покрытий. Вместе с тем, большое значение имеет разработка технологий получения композиций со специальными свойствами и создание эффективных модификаторов с целью повышения устойчивости полимерно-битумных композиций к химическим и механическим воздействиям, улучшения их физических, химических, коллоидных и технологических свойств, а также продления срока их службы.

В мире ведутся научные исследования по получению новых, недорогих и качественных полимер-сернистых битумных композиций с участием различных модификаторов, особенно отходов, таких как техническая сера. В этом направлении особое внимание уделяется разработке эффективных и продуктивных технологий, выявлению факторов, влияющих на физико-химические, коллоидные и технологические свойства данных композиций, а также поиску способов управления этими факторами. Кроме того, исследуются инновационные пути получения полимерной серы, определяются способы повышения её химической и механической стойкости, а также влияние таких свойств, как молекулярная масса и вязкость, на физико-механические характеристики асфальтобетонных композиций.

В Республике достигнуты научные и практические результаты по созданию полимерной серы и полимерно-серно-битумных вяжущих материалов для применения в различных отраслях промышленности за счёт эффективного использования вторичных и добавочных компонентов, получаемых из местного сырья, а также по улучшению их физико-механических свойств и совершенствованию технологических процессов их производства. В Стратегии развития Нового Узбекистана определены важные задачи по «дальнейшему развитию потенциала отечественных отраслей промышленности с полным использованием имеющихся возможностей, внедрению стандартов, отвечающих требованиям внешнего рынка и международным нормам». В связи с этим особое внимание уделяется получению серобитумных вяжущих, используемых в дорожном асфальте, путем синтеза полимерной серы на основе местного вторичного сырья и ее добавления в битум.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-158 от 11 сентября 2023 года «О стратегии Узбекистан-2030», № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-169 от 12 октября 2023 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности и ее базовых отраслей», № ПП-4477 от 4 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии перехода Республики Узбекистан к «зеленой» экономике на

период 2019-2030 годов», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с VII приоритетным направлением развития науки и технологий республики "Химические технологии и нанотехнологии."

Степень изученности проблемы. В научно-технических источниках процесс получения полимерной серы и полисульфидов, получение модификаторов, их применение, физико-химические, механические свойства, термодинамические и кинетические характеристики изучались в мире такими учеными, как Воробьев А.Е., Тчаро Х., Воробьев К.А., Капустин В.М., Рудин М.Г., Кукес С.Г. и другими. В этих исследовательских работах даны рекомендации по фундаментальным исследованиям в области изучения теоретических вопросов совершенствования процесса переработки и утилизации нефтяных шламов, а также рациональному использованию технической серы и других ароматических модификаторов при получении из них качественных продуктов, и достигнуты важные научно-практические результаты в области битумных композиций.

В Узбекистане в данной области проводили свои научные исследования такие ученые, как Ахмедов К.С., Юсупов Ф.М., Аманова Н.Д., Тураев Х.Х., Бекназаров Х.С., Негматов С.С., Хамидов Б.Н., Адизов Б.З., Сайдахмедов Ш.М., Алимов А.А., Нарметова Г.Р., Жумаев К.К., Фозилов С.Ф. Учеными нашей республики были даны рекомендации по получению полимерной серы на основе местного сырья, выбору оптимальных модификаторов для этого процесса, рациональному использованию модификаторов технической серы и соапстока, а также проведены важные научно-практические исследования в области битумных композиций.

Кроме того, важными считаются научные и практические работы по разработке технологии переработки элементарной технической серы, теоретическому и практическому обоснованию оптимальных режимов процесса, а также разработке серных битумных вяжущих на основе полученной полимерной серы и их применению в качестве строительного и дорожного битума.

Связь диссертационного исследования с тематическим планом научно-исследовательских работ. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с научно-исследовательскими работами Института общей и неорганической химии в рамках хозяйственного договора No КТ/1-21 "Разработка технологии получения серосодержащего битума и серобетона."

Целью исследования является разработка технологии получения полимерной серы и полимерного серно-битумного вяжущего на основе технической серы.

Задачи исследования:

изучение влияния различных модификаторов с целью получения полимерной серы путем модификации элементарной серы;

исследование влияния таких факторов, как количество модификатора, температура и продолжительность реакции в процессе синтеза полимерной серы в присутствии выбранного модификатора, а также определение оптимальных условий процесса;

исследование физико-химических и механических свойств синтезированных образцов полимерной серы;

разработка технологии получения серосодержащего битума на основе синтезированной полимерной серы и изучение основных факторов, влияющих на технологический процесс;

приготовление асфальтобетонной смеси на основе разрабатываемого вяжущего и изучение ее физико-механических свойств;

